

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5.2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МУНДАРИЖА

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ю.П. Апаков, А.Х. Жураев

Карралы характеристикали бешинчи тартибли бир тенгламанинг чекли соҳадаги ечими ҳақида	5
М.Мамажонов, С.М. Мамажонов	
Бешбурчакли соҳадаги тўртинчи тартибли параболик – гиперболик турдаги тенглама учун битта чегаравий масала ҳақида	11
Ж.О.Тахиров	
Амалий математиканинг баъзи замонавий муаммолари ҳақида	19

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Максудов Р.Х., Джураев А., Шухратов Ш., Холдоров Ш

Пахта тозалагичнинг ишчи органлари динамикасини ўрганиш	27
О.Қ. Дехқонова	
Умумий ўрта таълим мактабларида физика ва математика фанлари узвийлигининг таҳлили	33

КИМЁ

О.Эргашев, М.Коххаров, Э.Абдурахмонов

СаA (M-22) цеолитида карбонат ангидрид гази адсорбциясининг энергетикаси	36
БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ	

М.Холиқов, Ё.Аҳмедова

Фарғона водийсидаги күшларнинг географик тарқалиши ва муҳофазаси	41
Х.М. Шодмонов, Н.З. Сотвоздиев, И.А.Акбаров	
Уй шароитида анордан шарбат ва компот тайёрлаш технологияси	43

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Ғ.Юлдашев, Г.Сотиболдиева

Суғориладиган кольматажланган оч тусли бўз тупроқлар агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши	46
М.Т.Исағалиев, З.Ж.Исомиддинов	

Суғориладиган сур тусли кўнғир тупроқлар биогеокимёси	51
---	----

В.Ю.Исақов, А.Н.Хошимов

Сўх конус ёйилмаси тупроқларининг экологик мелиоратив ўзгаришлари	57
---	----

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

О.Умаров

Ҳудудларда иқтисодий мустаҳкамлик заҳирасини яратишнинг самараదорлиги	61
---	----

ТАРИХ

З.Й.Эсонов

Фарғона водийси хунармандларининг пирлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлари	63
---	----

А.Абдухалимов

Мустақиллик йилларида водий вилоятларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммолари	67
---	----

М.М.Темирова

Фарғона вилоят радиоси тарихига доир айрим мулоҳазалар	70
--	----

Ш.Махмудов

Қўқон хонлигига хорижий давлатларнинг элчиларини қабул қилиш: анъаналар ва ўзига хослик	74
---	----

А.Юлдашев

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тайёрлаш тизимининг тадқиқотларда акс этиши	77
--	----

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

М.М.Юлдашев, Ш.А.Рахимов

Европа мамлакатларида ёшлар сиёсати: амалиёт ва тажриба	80
---	----

З.Р.Қадирова, А.А.Қамбаров

Ижтимоий фикрлар тарихида тафakkур услуги масаласи	84
--	----

Р.Рўзиева, Н.Эшонқулова, Н.Бобоназарова

Илмий билиш баҳт-саодатга интилиб, ахлоқий маданияти юксалишида муҳим омил	87
--	----

УДК: 93/99+341.7

**ҚҮҚОН ХОНЛИГИДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ЭЛЧИЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ:
АНЪАНАЛАР ВА ЎЗИГА ХОСЛИК**

**ПРИЕМ ПОСЛОВ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В КОКАНДСКОМ ХАНСТВЕ: ТРАДИЦИИ И
ОСОБЕННОСТИ**

**RECEPTION OF FOREIGN AMBASSADORS IN THE KOKAND KHANATE: TRADITIONS
AND PECULIARITIES**

Ш.Махмудов

Аннотация

Мақолада Қўқон хонлигида хорижий дипломатик миссияларни кутиб олиш ва қабул маросими маҳаллий манбалар ва хорижий элчиларнинг сафарномалари асосида ёритилган.

Annotation

В статье на основе местных источников и путевых записок зарубежных послов освещена церемония встречи и приёма зарубежных дипломатических миссий в Кокандском ханстве.

Annotation

The article highlights the issues of ceremonial meeting and reception of foreign diplomatic missions in the Kokand Khanate. The article is based on the data of the authors of local essays and unique sources - "Safamota".

Таянч сўз ва иборалар: Қўқон хонлиги, элчилик хизмати, ташқи алоқалар, қабул маросими.

Ключевые слова и выражения: Кокандское ханство, посольская служба, внешние связи, церемония приема.

Keywords and expressions: Khoqand Khanate, the system of the embassy service, external relations, ceremony.

Қўқон хонлигининг давлат сифатида вужудга келиши ва ривожланиши натижасида давлатчиликнинг турли унсурлари ҳам шаклланиб борди [4,29;5,232-242]. Хусусан, давлатлар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш борасида дипломатик институтлар ҳам вужудга келди ва бунда асосий омил сифатида хонликнинг ташқи сиёсати билан боғлиқ масалалар сабаб бўлди [5,232-242]. Хонликнинг ташқи алоқалар институтининг шаклланиб бориши дипломатия билан боғлиқ турли вазифаларни тартибга келтирди [2; 3; 5,232-242]. Жумладан, хорижий элчиларни кутиб олиш билан боғлиқ анъана ва маросимлар бу ўринда алоҳида аҳамият касб этади. Турли давлатларда бу маросимнинг ўзига хос тарзда ташкил этилиши, маълум бир қонун-қоидалар асосида олиб борилиши йўлга қўйилган [1,213-221; 12,263]. Шунингдек, айрим ҳукмдорлар ёки вазирлар, донишманд кишилар томонидан бу борада маҳсус кўрсатмалардан иборат қўлланмалар, рисолалар ёзилганилиги бу масалага катта эътибор берилганилигидан далолат беради. Хусусан, Салжуқийлар давлатининг машхур вазири Низомулмулкнинг "Сиёсатнома" асарида элчиларни кутиб олиш бўйича муҳим маслаҳатлар қайд этилади. Хусусан, Низомулмулк ўз асарида, "Ташқаридан келган элчиларни саройга келиб-кетишлари номаълум қолиши, уларнинг ахволидан хабардор бўлмаслик ғафлат ва ишнинг тартибсизлигидан дарак беради", деб ёзади [9, 100].

Марказий Осиё давлатларида ҳам дипломатик институтларнинг таркибида элчиларни кутиб олиш муҳим тадбир саналган. Буни Қўқон хонлигида хорижий элчиларни кутиб олиш маросими ҳам алоҳида давлат аҳамиятига молик тадбирлардан бири бўлганлигини элчиларнинг сафарномалари [8] ҳамда маҳаллий манбаларда [6; 7; 10; 13] қайд этилган маълумотлар орқали тадқиқ ва таҳлил этиш мумкин.

Қўқон хонлигидаги элчиларни кутиб олиш билан боғлиқ тадбирларни икки гурухга бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Биринчиси-Қўқон хонлигига келган хорижий элчиларни кутиб олиш, иккинчиси эса хорижий мамлакатларга юборилган элчиларни қайтиб келганини кутиб олиш маросими. Шунингдек, элчиларни кутиб олиш маросимини ҳам шартли равишда учта қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисм элчини қабул қилиш маросими, иккинчи қисм ҳадялар тақдимоти, учинчи қисм эса зиёфат дастурхони.

Хонликда элчиларни кутиб олиш билан боғлиқ маҳсус қоидалар мавжуд бўлганлигига оид маълумот 1813 йилда хонликка Россия империясидан келган элчи Филипп Назаров [14] нинг эсдаликларида [15] қайд этилади.

Филипп Назаров Умархон (1810-1822) хузурига киргунига қадар унинг олдига Қўқон хонлигидаги ташқи ишларга масъул вазир келиб учрашган ва бир қанча маълумотларга аниқлик киритишга ҳаракат қилган. Муаллиф айнан ташқи ишларга масъул шахс, деб эътироф этмаса-да,

Ш.Махмудов – ЎзРФА Тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, доцент.

ТАРИХ

буни аниқ айтиш мумкинки, бошқа давлатлардан келадиган ёки хорижий давлатларга юбориладиган элчиларни ҳамда ташки ишлар масаласини хонлиқда шифовул мансабидаги шахс бажарган ва, албатта, бу мансаб эгаси Қўқон хонлигидаги вазирлардан бири саналган. Фикримизча, шифовул мансабидаги вазир Филипп Назаров билан мулоқотда бўлган ва шунинг учун муаллиф уни вазир, деб қайд этган. Шунингдек, элчи Қўқоннинг бош вазири билан утрашганлигини ҳам қайд этиб ўтади [18].

Филипп Назаровнинг эсадаликларидан шуни англаш мумкинки, у Қўқон хонлиги шифовули томонидан Россия империясидан келган асосий элчи, деб эътироф этилмаган. Шифовул ҳамда Филипп Назаров ўртасидаги савол-жавоблар бунга аниқлик киритади. Яъни, шифовул Филипп Назаровга "... икки асосий элчилар қани?", деб савол берган. Ундан сўралган икки элчи 1811 йилда Қўқондан Россия империясига юборилган дипломатик миссия ва савдо карвонига раҳбар бўлиб борган масъуллар эдилар. Ушбу элчilikning тақдири жуда аячли якун топган бўлиб, иккала элчи ҳам Қўқонга қайтмаган. Дипломатик тартиб-қоидаларга кўра, Филипп Назаров бу машъум воқеага изоҳ бериш мақсадида Россия империяси томонидан юборилган эди.

Филипп Назаров Қўқон хонлигидаги давлатчиликнинг муҳим компонентларидан бири бўлган дипломатик институтнинг элчиларни кутиб олиш маросимини баён этар экан, унинг ёзишича, «хукмдорнинг юқори кенгашини ташкил этувчи бир қатор вазирлар ва давлат амандорлари таҳти-равон ёнига солинган гиламлар устида даражаларига кўра ўтирас эдилар», дейди ва расмий қабул маросимидағи вазиятни ёритади [8, 41]. Филипп Назаров икки ёнида вазирлар ҳамроҳлигига саломхона[16] га яқинлашган, учинчи вазир эса саломхона эшигини очиб берган [8, 41]. Ичкарига киргандан сўнг Филипп Назаров Умархоннинг олдига бориб чўйкалаб ўтириб, Россия императори томонидан юборилган мактуб ва унинг таржима нусхасини боши узра узатган. Умархон эса мактубни олиб икки қўли кўксига таъзим қилган ҳолатда турган вазирга узатади. Сўнгра Умархон элчидан императорнинг ҳолаҳволини ҳамда қандай оғзаки фармойишларга эгалигини сўраган. Шундан сўнг элчи Филипп Назаров орқароққа ўтиб ўтирган. Элчининг ёзишича, орқасида Хитой, Хива, Бухоро ҳамда Шаҳрисабздан келган элчилар ўтирган бўлган [8]. Филипп Назаровнинг мазкур маълумоти Қўқон хонлигига элчиларни қабул қилиш маросими маҳсус тадбир сифатида ўтказилганлигини кўрсатади. Маросимда барча юқори мартабали давлат амандорлари ҳамда хорижий мамлакатларнинг элчилари таклиф қилинган.

Қўқон хонлиги тарихнавислари томонидан ёзилган асарларда ҳам элчиларни кутиб олиш

маросимига доир маълумотларни учратиш мумкин. Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг “Мунтахаб ат-таворих” асарида Истамбулдан келган элчини кутиб олиш маросими баён қилинади. Қўқон хони Сайид Муҳаммад Умархон (1810-1822) томонидан 1820 йилда Усмонлилар давлати хукмдори Султон Маҳмуд II (1808-1839) ҳузурига Сайид ҳожи Мирқурбон элчи қилиб юборилади. Шу йилнинг ўзида Истамбулдан қайтган Қўқон элчиси Сайид Мирқурбонга Усмонлилар давлати хукмдори Султон Маҳмуд II ҳам ўз элчисини ҳадялар билан қайтариб юборади. Бу даврда Қўқон хони Умархон Наманган вилоятига сафар қилган бўлиб, элчиларни кутиб олиш маросими Тўракўргонда амалга оширилади [10, 302 а.]. Сайид Мирқурбонни истамбуллик элчи билан бирга қайтиб келганлиги тўғрисидаги хабар келгандан сўнг Муҳаммад тунқотар исмли мансабдор элчиларни кутиб олиш учун юборилади. Қўқон элчиси Сайид Мирқурбон билан бирга Истамбулдан турк султонининг элчиси келганлиги боис ҳам алоҳида эътибор билан маҳсус кутиб олиш учун давлат амандори жалб этилган. Бу ўринда Россия империясининг элчиси Филипп Назаров қайд этанидек, шифовул мансабидаги кишининг кутиб олмаганини кўриш мумкин. Бу даврда Умархоннинг маҳаллий худудларга сафарга чиққанини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Яъни, Умархон сафарга чиққанида албатта барча юқори мартабали мансабдорларни бирга олиб чиқмаслигини ҳам назарда тутиш керак. Шу боис Умархон Усмонийлар давлатидан келаётган элчини кутиб олиш учун шифовул лавозимидағи мансабдорнинг ўрнига Муҳаммад Юсуф тунқотарни чиқаргани эҳтимолдан ҳоли эмас.

Қўқон хонлигининг давлат архивидаги ҳужжатлари тўлалигича сақланиб қолмаганлиги боис ҳам масалага ойдинлик киритувчи ҳужжатларни аниқлашнинг имкони йўқ. Лекин, Қўқон хонлари томонидан Усмонлилар империяси, Россия империяси, Ҳиндистонга юборилган дипломатик миссияларга доир ҳужжатларда ҳадялар рўйхати ҳам алоҳида қайд этилганлигини учратиш мумкин. Бошқа мамлакатлардан Қўқонга келган элчиларнинг ўзлари билан олиб келган ҳадяларини фақатгина маҳаллий тарихнависларнинг асарларида қайд этилганини кўрамиз.

Қўқон хонлигидан Усмонлилар давлатига бир неча бор турли мақсадларда дипломатик миссиялар юборилган бўлса-да, икки давлат ҳукмдорларининг бир-бирларига юборган ҳадяларига оид ҳужжатлар фақатгина учтани ташкил этади. Шундан бир ҳужжат Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822-1841) томонидан юборилган ҳадялар бўлса [19], иккита ҳужжатда Усмонлилар султони томонидан Қўқон хонига юборилган ҳадялар акс этган [17].

Мазкур ҳадяларни тақдим қилиш ҳам элчиларни қабул маросимининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бошқа давлатларнинг ҳукмдорлари томонидан юборилган ҳадялар Қўқон одатига кўра мансабдорлар ва бошқа мамлакатларнинг элчилари олдида ҳукмдорга топширилган.

Ҳадяларни тақдим этиш алоҳида маросим сифатида эътибор билан ўтказилганлигини маҳаллий манбаларда қайд этилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Элчиларни кутиб олиш маросимининг якуний қисмida зиёфат бериш анъанаси мавжуд эди. Албатта, мазкур анъана деярли барча мамлакатларда амалга оширилган тадбир, деб айтиш мумкин. Чунки элчи олий мартабали меҳмон саналган ва ҳар бир давлат ўз меҳмоннавозлигини кўрсатиш учун ҳам бу маросимга алоҳида эътибор қаратган.

Адабиётлар:

1. Аллаева Н. Хива хонлигига элчиларни қабул қилиш маросимлари // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан лавҳалар. -Т.: Адабиёт учқунлари, 2018.
2. Бабаджанов Б. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Т., 2010.
3. Васильев А.Д. Знамя и Меч от падишаха. Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI – начало XX вв.). – М., 2014.
4. Махмудов Ш. Система административного управления в Кокандском ханстве (1709-1876 гг.) Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - Т., 2007.
5. Махмудов Ш. Қўқон хонлигига дипломатик институтлар фаолияти // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан лавҳалар. -Т.: Адабиёт учқунлари, 2018.
6. Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих. ЎзР ФА ШИ литографик нашр. Инв. № 304
7. Мулла Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркестон / Нашрга тайёрловчилар: Т. Алимардонов, Н. Абдулҳаким. - Қарши, 1992.
8. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии / Текст подготовил В.А. Ромодин. – М.: Наука, 1968.
9. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияқ ул-мулк. (Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, А.Эркинов) – Т.: Адолат, 1997.
10. Сайийд Муҳаммад Ҳакимхон ибн Сайийд Маъсумхон. Мунтахаб ат-таворих. ЎзР ФА ШИ, кўлёзма, инв. №594.;
11. Туркия Республикаси Президенти хуэридаги давлат архивлари бошқармаси - Усмонли архиви - Turkiye Cumhuriyeti Cumhurbaşkanlığı Devlet Arşivleri Başkanlığı - Osmanlı arşivi кейинги ўринларда - TCCDABOA - қисқатрmasida берилади.
12. Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан лавҳалар. -Т.: Адабиёт учқунлари, 2018.
13. Mulla Muhammad Yunus Djan Shigavul Dadkhah Tashkandi. The Life of Alimqul. A Native Chronicle of Nineteenth Century Central Asia, Edited and translated by Timur Beisembiev. – London: 2003.
14. Филипп Назаровнинг ҳаёти тўғрисида батафсил маълумотлар етарли эмас. “Русский биографический словарь”да туғилган ва вафот этган йили тўғрисида аник маълумот кўрсатилмасдан, фақатгина 18 асрнинг охири – 20 асрнинг бошида яшаган, деб қайд этилади.
15. Ушбу асарнинг кўлёзмаси Санкт-Петербургдаги Россия Миллий кутубхонаси (Собиқ М.Е.Салтиков-Щедрин номли кутубхона)да “Қўқон хақидаги эсдаликлар” сарлавҳаси остида сакланади. Мазкур асардан айрим парчалар дастлаб 1821 йилда “Вестник Европы” журналида нашр қилинган. Асар В.А.Ромодин томонидан нашрга тайёрланган ва 1968 йилда нашр қилинган.
16. Саломхона – ҳукмдор қароргоҳида алоҳида вазирларни ва бошқа олий мартабали меҳмонларни қабул қилиш жойи.
17. TCCDABOA, Hatt-I Humayun Daftari, nr., 781/36550
18. Филипп Назаровнинг ёзишича, бу даврда хонлиқда бош вазир лавозимида Мирза Малла деган шахс бўлган. Лекин маҳаллий манбаларда бу даврда Қўқон хонлигига юкори мавқега эга мансабдорларнинг ичидаги бундай номдаги мансабдорни учратмадик. Балки муаллиф бош вазирнинг исмими нотўғри қўллаган бўлиши ҳам мумкин. Филипп Назаров таърифлаган бош вазирнинг ҳаракатлари кўпроқ парвоначи мансабидаги шахснинг фаолиятига тўғри келади.
19. Қўқон хонлигидан Турк сultoniga юборилган ҳадялар рўйхати қайд этилган хужжат Усмонли архивининг Ҳатти Ҳумоюн (НАТ) фондида 657/ 32100 D раками билан сакланади. Мазкур хужжат 1254/1838 йилда Муҳаммад Алихон томонидан юборилган иккинчи элчилик бўлиб, бу дипломатик миссияга Ҳожи Муҳаммад Зоҳид хўжа бошчилик қилиб борган.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).

Қўқон хонлигидаги мазкур маросим ҳақида Филипп Назаровнинг эсдаликларига кўра, қабул маросимидан сўнг алоҳида зиёфат дастурхони ёзилган. Зиёфат дастурхонида миллий таом сифатида ош тортилган. Филипп Назаровнинг ёзишича, ошнинг устида от гуштидан тайёрланган қази ҳам қўйилган бўлиб, у диний эътиқодига кўра от гўшти истеъмол қиласлигини қайд этади.

Манбалар ва архив ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, Қўқон хонлигига элчиларни кутиб олиш билан боғлиқ анъанарап маълум бир қоидалар асосида ташкил этилган бўлиб, дипломатик алоқалар натижасида бу масалалар янада такомиллашиб борган. Шунингдек, маълумотлар таҳлилидан кўринадики, Қўқон хонлигига дипломатик институтлар фаолияти ҳам маълум бир тартиблар, қоидалар асосида йўлга қўйилганлигини кўрсатади.